

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилоят

статистика бошқармаси бошлиғи

М.Ж.Рўзиевга

2018 йил

**Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш
статистикаси бўлими тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Навоий вилоят статистика бошқармасининг Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Навоий вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим ишбилармонлик муҳитини, тадбиркорликни статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳаси бўйича статистика ишларини ташкил этиш бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаш, шунингдек фаолиятни мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси маълумотларидан фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишлари дастурининг Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳаси бўйича таҳлилий салоҳиятни мустаҳкамлаш, Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равишда такомиллаштириш, унинг мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислоҳотлари, иқтисодиёти тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш;

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳаси бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Бўлим ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллариини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:

макроиқтисодий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасида ҳолис, сифатли ва долзарб ҳисобот маълумотларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ва идоравий кузатувлар шакллариини келишишда иштирок этиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича жамият эҳтиёжларига мувофиқ халқаро меъёрлар ва қоидалар ҳамда илмий ишланмаларга асосланган ҳолда ахборотларни тайёрлаш методологиясини,

маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

жамият эҳтиёжларига мувофиқ ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштириш, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини доимий равишда такомиллаштиришни амалга ошириш.

в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурининг ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

вилоятни, унинг ҳудудларини, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколоти доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг статистик ҳисоб-китобларини амалга ошириш ҳамда дастлабки статистик таҳлилинини олиб бориш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича статистик ҳисобот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича статистик ишларни ташкил этишнинг статистик ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикасига оид давлат статистика ҳисоботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича ахборот-статистик маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш ва янгилаб боришни амалга ошириш, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишга доир тушунтиришлар бериш;

олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ, Бўлим иш фаолияти жараёнида вужудга келган архив ҳужжатларини саралаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириш;

Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасига оид махфий статистик маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлаш.

э) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикасига оид маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чорақлик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича очиқ статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат статистикаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг вилоятда ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасини тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичлардан эркин фойдаланишларини таъминлайди;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини жорий этишни амалга оширади;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳаси бўйича асосий статистик кўрсаткичларнинг такомиллаштирилган маълумотлар базасинининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича ахборотлардан фойдаланувчиларга реал вақт режимида

кўрсаткичлардан эркин фойдаланиш имконини берувчи статистик маълумотлар базасини ишлаб чиқишда ва юритишда иштирок этади;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳаси бўйича давлат статистика кузатуви шакллари электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда ҳудудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Бўлимнинг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқаролар ва юридик шахслар муносабатларига ўз вақтида муносабат билдириш, ходимларнинг юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулиятларини ошириш соҳасида:

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳаси методологияси, статистик ишларни ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича бошқарманинг бўлинмаларига, ҳудудий статистика органларига амалий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Бошқарма раҳбарияти топшириғига асосан ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устивор йўналишларини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда вилоятдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳудудий статистика бўлимлари томонидан ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатуви шакллари ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

статистика мақсадларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа юридик шахслардан (зарурат бўлганда уларнинг

ваколатхона ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бўлимга юкланган вазифалар, функциялар ва статистик ишларни бажариш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумот ва тушунтиришлар олиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасига оид методик, статистик ишлар ва расмий статистик маълумотлар юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўйича маълумот ва кўрсаткичлардан ноўрин фойдаланиш ва уларга нотўғри шарҳ бериш ҳолатларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан тушунтириш бериш;

қабул қилиб олинаётган статистик маълумотларнинг тўлиқчилиги, ишончлилиги ва холислигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасига оид масалалар юзасидан халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, семинар ва йиғилишларда, шунингдек халқаро семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика ишлари иш режалари, Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарма бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлим тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғини, шунингдек:

Бўлим таркибига бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар, 1-тоифали мутахассислар киради.

11. Бўлимнинг ишига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, Бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Тадбиркорлик статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантиришда куйидагиларни амалга оширади:

тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тўғрисида йиллик ва чораклик статистик ва аналитик материалларини тайёрлаш;

олинган статистик маълумотлар асосида иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиши ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизларни тайёрлаш;

олинган статистик маълумотлар асосида, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва даражасини акс эттирувчи таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

ҳудудлар бўйича ишбилармонлик муҳити статистикаси маълумотларини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш;

ҳалқаро статистика ташкилотлари томонидан статистик маълумотларни тарқатишнинг замонавий тенденциялари ва концепцияларини ўрганиш асосида очик статистик-таҳлилий маълумотларни бошқарма веб-сайтида нашр этилиши учун тақдим этиш;

кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритиш;

маълумот тақдим этиш ва ахборот-тушунтириш ишларини қўшган ҳолда респондентлар ва маълумотларнинг фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

14. Тадбиркорлик субъектларини тизимли статистик кузатувлари бўйича кўйидагиларни амалга оширади:

тадбиркорлик статистикаси бўйича танманма кузатувларини олиб бориш, тайёрлаш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларини танланма кузатувларни ташкил қилиш;

тадбиркорлик субъектлари кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш, амалдаги статистик маълумотлар билан таққослашни ўтказиш;

ҳудудий статистика органлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

маълумот тақдим этиш ва ахборот-тушунтириш ишларини қўшган ҳолда респондентлар ва маълумотларнинг фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

тадбиркорлик субъектлари, корхона ва ташкилотлари, асосий фондларнинг ҳаракатини, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ва ривожланишини акс эттирувчи маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва етказиб бериш;

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

15. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Навоий вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Бошқарма бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Бошқарманинг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринбосари, бўлим бошлиқлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарма йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва ҳайъатлар фаолиятида иштирок этади;

Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини ишлаб чиқишлигини ташкил қилади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикасига оид топшириқларига мувофиқ материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишлигини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказди;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

17. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

18. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек ҳудудий статистика органлари билан ишлаш бўлимга юкланган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

бириктирилган муайян ҳудуд бўйича давлат статистика ҳисоботларини белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантириш, асосий статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ишларини амалга ошириш ва фойдаланиш учун тайёрлаш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича олинган статистик маълумотлар асосида турли таҳлилий шарҳлар тайёрлаш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик каторлар юритилишини назорат қилиш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича статистика методологияси ва инструментариалларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув шакллари тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

тадбиркорлик статистикаси маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлашда иштирок этиш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлаш;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

бўлим бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бажариш.

19. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бириктирилган муайян ҳудуд бўйича давлат статистика ҳисоботлари белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва жамланма маълумотларни тайёрлаш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича ҳисоботларнинг электрон маълумотлар базасида сақланишини таъминлаш ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторларни юритиш ишларини амалга ошириш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлаш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича статистика услубияти ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик кузатув шакллари тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказиш;

статистик тўпламлар, маърузалар, тезкор ахборотлар учун ҳамда фойдаланувчилардан келган сўровлар учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш.

Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим етакчи мутахассиси, 1-тоифали мутахассиси:

бириктирилган муайян ҳудуд бўйича давлат статистика ҳисоботлари белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва жамланма маълумотларни тайёрлаш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича ҳисоботларнинг электрон маълумотлар базасида сақланишини таъминлаш ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторларни юритиш ишларида иштирок этиш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

тадбиркорлик статистикаси бўйича статистика методологияси ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик кузатув шакллари тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказишда иштирок этиш;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.